

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ ВА
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.I.15.01 РАҚАМЛИ ИЛМий
КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

ҚУРБОНОВ ЖАВЛОНБЕК ЖУРАБЕКОВИЧ

**ДАВЛАТ ВА КОРПОРАТИВ ТУЗИЛМАЛАР ЎРТАСИДАГИ ЎЗАРО
МОЛИЯВИЙ МУНОСАБАТЛАРНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ
ИСТИҚБОЛЛАРИ**

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on economical sciences**

Қурбонов Жавлонбек Журабекович

Давлат ва корпоратив тузилмалар ўртасидаги ўзаро молиявий
муносабатларни самарали ташкил этиш истиқболлари..... 3

Қурбонов Жавлонбек Журабекович

Перспективы эффективной организации финансовых отношений
между государством и корпоративными структурами 27

Kurbonov Javlonbek Jurabekovich

Perspectives of effective organization of financial relations between the
state and corporate structures 49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 54

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ ВА
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.I.15.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

ҚУРБОНОВ ЖАВЛОНБЕК ЖУРАБЕКОВИЧ

**ДАВЛАТ ВА КОРПОРАТИВ ТУЗИЛМАЛАР ЎРТАСИДАГИ ЎЗARO
МОЛИЯВИЙ МУНОСАБАТЛАРНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ
ИСТИҚБОЛЛАРИ**

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.2.PhD/Iqt211 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент молия институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш вебсаҳифаси (www.bfa.uz) ва «Ziynet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Ташмурадова Бувсара Эгамовна**
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Жумаев Нодир Хосиятович**
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Хусанов Нодир Жумаевич
иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот: **Абу Райҳон Беруний номидаги Бизнес ва бошқарув Республика олий мактаби**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси ва Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.I.15.01 рақамли илмий кенгашнинг 2019 йил «___» _____ куни соат _____даги мажлисида бўлиб ўтади
Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-уй. Тел.: (99871) 237-54-01, e-mail: info@bfa.uz.

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-уй. Тел.: (99871) 237-53-25, факс: (99871) 237-54-01, e-mail: info@bfa.uz.

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2018 йил «___» _____даги _____ рақамли реестр баённомаси)

А.Ш. Бекмуродов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

У.В. Ғафуров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, и.ф.д., профессор

Н.М.Маҳмудов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон мамлакатларида давлат ва корпоратив тузилмалар ўртасидаги молиявий муносабатлар ҳозирги кунга қадар ҳал этилиши лозим бўлган асосий масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Корпоратив тузилмалар устав капиталида давлатнинг иштироки барча мамлакатларда сақланиб қолмоқда, масалан, Хитой, Гонконг, Сингапур, Норвегия, Словения, Швеция каби давлатларда давлат иштирокидаги корпоратив тузилмалар мамлакат иқтисодиётида муҳим ўрин эгаллаб келмоқда. Хусусан, 2016 йилги маълумотларга кўра, Хитойда рўйхатдан ўтган 2887 та компаниядан 1019 тасининг устав капиталида давлатнинг иштироки бўлиб, ушбу компанияларнинг умумий бозордаги улуши 47% ни ташкил этган. Норвегияда эса давлат иштирокидаги компанияларнинг бозордаги тутган ўрни ўртача 36,3% ни ташкил этган¹.

Хорижий давлатларда стратегик аҳамиятга молик корпоратив тузилмаларда давлат иштирокини юқори даражада ушлаб туришга, давлат учун аҳамияти юқори бўлмаган корхоналарни эса хусусийлаштириш, корпоратив тузилмалар фаолиятига давлатнинг аралашувини камайтириш кабиларнинг аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Қолаверса, давлат ва корпоратив тузилмалар ўртасидаги ўзаро молиявий муносабатларни такомиллаштиришнинг зарурияти хорижий давлатларда бизнес муҳитини яхшилаш, корпоратив солиқ муносабатларини самарали ташкил этиш, давлат ва хусусий шерикчилик доирасида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш кабиларда намоён бўлади.

Ўзбекистонда корпоратив тузилмаларда солиқ муносабатларини самарали ташкил этиш, корпоратив тузилмалар устав капиталида давлат иштироки ҳолатини оптималлаштириш, давлат ва корпоратив ҳамкорликда инвестицион муносабатларни такомиллаштириш, акциядорлик жамиятларининг халқаро даражада молиявий операцияларини ташкил этиш юзасидан ислохотлар олиб бориш, шунингдек, корпоратив тузилмаларни хусусийлаштириш жараёнларини самарали ташкил этиш, ўз навбатида, акциядорлик жамиятлари фаолиятини ривожлантириш, давлат бюджети солиқли даромадларини максималлаштириш, мамлакатда инвестиция муҳитини ривожлантириш каби долзарб вазифалар ижросини таъминлаши мумкин. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «давлат мулкани хусусийлаштиришни янада кенгайтириш ва унинг тартиб-таомилларини соддалаштириш, хўжалик юритувчи субъектларнинг устав жамғармаларида давлат иштирокини камайтириш, давлат мулки хусусийлаштирилган объектлар базасида хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш»²

¹ OECD Corporate governance factbook 2017 - www.oecd.org/corporate

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада

масаласи алоҳида қайд этиб ўтилган. Шунга кўра, иқтисодиётнинг ривожланишида муҳим аҳамият касб этувчи давлат ва корпоратив тузилмалар ўртасидаги ўзаро молиявий муносабатларни самарали ташкил этиш бўйича тадқиқотлар олиб бориш муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли, 2015 йил 24 апрелдаги «Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 4720-сонли фармонлари, 2015 йил 21 декабрдаги «Акциядорлик жамиятларига хорижий инвесторларни жалб қилиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-2454-сонли, 2018 йил 13 июлдаги «Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг «Бизнес юритиш» йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3852-сонли қарорлари ҳамда акциядорлик жамиятлари фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Давлат ва корпоратив тузилмалар ўртасидаги ўзаро молиявий муносабатларнинг айрим жиҳатлари ва уларнинг иқтисодий мазмуни бир қатор хорижий иқтисодчи олимлар, жумладан, Р.Брейли, С.Майерс, Ф.Аллен, П.Верниммен, М.Даллоchio, Я.Фур, А.Салви, В.Бочаров, М.Эскиндарова, М.Федатова, Ю.Чеботар, Н.Сланова, Д.Гайнуллина, Б.Варонцов ва бошқаларнинг илмий ишларида ўз ифодасини топган³. Жумладан, Р.Брейли, С.Майерс ва Ф.Алленларнинг илмий ишларида корпоратив молиявий муносабатлар илмий-амалий жиҳатдан ёритиб берилган, Н.Сланова ва Д.Гайнуллиналарнинг илмий тадқиқот ишларида эса

ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги ПФ-4947-сонли Фармони. // Халқ сўзи, 2017 йил, 8 февраль.

³ Brealey R.A., Myers S.C., Allen F. «Principles of Corporate Finance», 11th Global Edition. 1341 p.; Pierre Vernimmen P., Quiry P., Dallochio M., Fur Y., Salvi A. «Corporate Finance: Theory and Practice». Copyright . 2005 John Wiley & Sons Ltd, The Atrium, Southern Gate, Chichester, West Sussex PO19 8SQ, England. 1032 p., 29th page.; Бочаров В.В. Корпоративные финансы. – СПб.: 2008. – 272 с.: ил. – (Серия «Учебное пособие»); Под. ред. Эскиндарова М.А., Федатовой М.А. Корпоративные финансы: учебник / коллектив авторов. – М.:Кнорус, 2016. – 480 с. – (Бакалавриат и магистратура); Чеботарь Ю.М. Корпоративные финансы и корпоративный контроль: монография /— М.: Автономная некоммерческая организация «Академия менеджмента и бизнес-администрирования», 2016. - с 8.; Сланова Н.Н. Эволюция системы корпоративного управления в акционерных обществах с государственным участием в России. Интернет-журнал «Науковедение». Том 7, №3, 2015. Гайнуллина Д.А. Организация управления российскими компаниями с государственным участием на макроуровне. Государственное управление. Электронный вестник Выпуск № 44. 2014., Воронцов Б.В. Налоговая безопасность государства и экономических систем [Электронный ресурс]. // Проблемы современной экономики. 2008. № 3. URL: <http://www.m-economy.ru/art.php?nArtId=2199>

давлат иштирокидаги акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув масалалари ўрганилган.

Давлат ва корпоратив тузилмалар ўртасидаги ўзаро молиявий муносабатларнинг айрим жиҳатлари ўзбекистонлик иқтисодчи олимлардан А.Вахобов, Т.Маликов, Н.Каримов, Б.Беркинов, К.Хасанов, М.Хамидулин, Қ.Яхёев, Б.Тошмуродова, С.Элмирзаев, Н.Турсунова ва бошқаларнинг илмий тадқиқот ишларида ўрганилган⁴. Хусусан, М.Хамидулиннинг илмий тадқиқот ишларида корпоратив бошқарув ва иқтисодиёт субъектларини молиялаштириш масалалари ўз аксини топган. Қ.Яхёевнинг илмий тадқиқот ишларида солиқ тўловчилар ва давлат ўртасидаги ўзаро муносабатлар тадқиқ этилган, Б.Тошмуродованинг илмий ишларида солиқларни режалаштириш ва уларнинг корхоналар учун аҳамиятли жиҳатлари ўрганилган. С.Элмирзаевнинг илмий тадқиқот ишларида корпоратив молияни бошқариш ва солиқ муносабатларини самарали ташкил этишнинг солиқ тўловчилар ҳамда давлат учун аҳамиятли жиҳатлари ёритилган. Бироқ давлат ва корпоратив тузилмалар ўртасидаги ўзаро молиявий муносабатлар алоҳида илмий йўналиш сифатида тадқиқ этилмаган. Бу ҳолат ҳам танланган мавзунинг долзарблигини англатади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент молия институти илмий тадқиқот ишлари режасининг «Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида молия, банк ва ҳисоб тизимини мувофиқлаштиришнинг илмий асослари» мавзусидаги стратегик илмий тадқиқот йўналиши доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистонда давлат ва акциядорлик жамиятлари ўртасидаги ўзаро молиявий муносабатларни самарали ташкил этишга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

давлат ва акциядорлик жамиятлари ўртасидаги ўзаро молиявий муносабатларнинг иқтисодий моҳиятини тадқиқ қилиш;

давлат ва акциядорлик жамиятлари ўртасидаги ўзаро инвестиция ва солиқ муносабатларини тадқиқ этиш;

давлат молиявий сиёсатининг акциядорлик жамиятларида капитал жалб қилишга боғлиқлик хусусиятларини илмий асослаш;

⁴ Вахобов А.В., Маликов Т.С. Молия. Дарслик.//Тошкент молия институти. –Т.: «Ношир», 2011. 712 бет.; Каримов Н.Ғ., Боймуродова М.Т. Молия ва молиявий муносабатларнинг айрим назарий жиҳатлари // «Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар» илмий электрон журнали. № 2, 2016; Беркинов Б.Б., Хасанов К.Қ. Ўзбекистон ҳудудларининг инвестицион жозибадорлиги рейтинги. «Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар» илмий электрон журнали. № 2, 2014; Хамидулин М.Б. Основные направления оптимизации структуры финансирования экономики Узбекистана // Современная наука: актуальные проблемы и пути их решения // май, №4 (26). 2016; Яхёев Қ.А. Солиқ назариясидаги долзарб масалалар ҳақида // «Молия» илмий журнали. 2010 йил, 2-сон; Тошмуродова Б.Э. Солиқ тушумларини такомиллаштириш йўналишлари ва прогнозлаш назарияси // «Молия» илмий журнали. 2013 йил, 2-сон, 55-59 бетлар; Элмирзаев С.Э. Корпоратив молияни бошқаришда солиқ муносабатларини такомиллаштириш. И.ф.д. илм. дар. ол. у-н тақ. эт.дис. автореф. – Тошкент-2017.; Турсунова Н.Р. Корпоратив молияни бошқаришда молиявий таъминотни самарали ташкил этиш йўллари. Монография. – Т.: «Иқтисод-Молия», 2017. – 152 б.

давлат инвестиция сиёсатининг акциядорлик жамиятлари фаолиятига таъсирини таҳлил қилиш ва илмий асосланган хулосалар ишлаб чиқиш;

акциядорлик жамиятлари устав капиталида давлат иштироки ҳолатига баҳо бериш ҳамда давлат иштироки даражасини оптималлаштириш юзасидан илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган акциядорлик жамиятлари олинган.

Тадқиқотнинг предметини давлат ва акциядорлик жамиятлари ўртасидаги ўзаро инвестиция ва солиқ муносабатлари ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Диссертацияда умумлаштириш, гуруҳлаштириш, таққослаш, абстракт-мантикий фикрлаш, индукция ва дедукция, корреляцион-регрессион таҳлил каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

«корпоратив молия» тушунчаси хўжалик юритувчи субъектларнинг корпоратив шаклдаги тузилмаларни ташкил этишдан кўзланган асосий мақсадга эришиш ҳамда таъсисчилар капиталини оширишни таъминлаш устуворлигини белгилаш орқали такомиллаштирилган;

давлат инвестиция сиёсатида белгиланган акциядорлик жамиятлари устав капиталида хорижий инвесторларнинг иштироки бўйича амалдаги талаблар қулай инвестицион муҳитни яратиш жиҳатидан такомиллаштирилган;

хорижий инвесторлар учун тижорат банкларда ҳисобрақамлар очиш ва уларга хорижий валютада қимматли қоғозларни сотиб олиш (сотиш)ни амалга ошириш ҳуқуқини бериш бўйича илмий таклиф ишлаб чиқилган;

инвестицион лойиҳалар самарадорлигини ифодаловчи NPV, MIRR, IRR, PP, DPP каби молиявий кўрсаткичларни инновацион шаклда баҳолаш механизми такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистонда акциядорлик жамиятлари устав капиталида хусусий инвесторлар улушини ошириш хусусий капитал рентабеллиги ошишига ижобий таъсир кўрсатиши илмий асослаб берилган;

давлат иштирокидаги айрим акциядорлик жамиятларини хусусийлаштириш жараёнида давлат томонидан бошқарувни сақлаб қолиш мақсадида маълум бир муддат мобайнида «олтин акция» амалиётини қўллаш муҳимлиги илмий асослаб берилган;

акциядорлик жамиятлари устав капиталини шакллантиришда хорижий капитал жалб қилиш билан боғлиқ мажбурий талабларнинг белгиланиши бозор муносабатларига мос эмаслиги асослаб берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндашув ва усуллар, унинг доирасида фойдаланилган назарий ёндашувлар расмий манбалардан олингани, Ўзбекистондаги акциядорлик жамиятлари маълумотларига асослангани, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Хусусийлаштирилган корхоналарга

кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитасининг статистик маълумотларига, шунингдек, бошқа амалий маълумотлар таҳлиliga асосланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти улардан акциядорлик жамиятларида молиявий муносабатларни самарали ташкил этиш, давлат ва корпоратив ҳамкорликларни такомиллаштиришга бағишланган илмий тадқиқотларни амалга оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган илмий таклифлар ва амалий тавсияларни, акциядорлик жамиятлари ва масъулияти чекланган жамиятлар фаолиятига татбиқ этилиши ҳамда уларнинг давлат билан ўзаро молиявий муносабатларини самарали ташкил этишга хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Давлат ва корпоратив тузилмалар ўртасидаги ўзаро молиявий муносабатларни самарали ташкил этиш истиқболлари юзасидан олинган илмий натижалар асосида:

«Корпоратив молия» тушунчасининг иқтисодий мазмуни, унинг хусусиятлари ва берилган муаллифлик таърифлари борасидаги илмий-назарий қарашлар Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан нашр этишга рухсат берилган «Zamonaviy korporativ boshqaruv» номли дарсликда ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 25 августдаги 744-сонли буйруғига асосан 744-023 рақам билан рўйхатга олинган гувоҳнома). Бунинг натижасида корпоратив молиявий муносабатларни ташкил этишда мазкур тушунчаларнинг таърифи ва аниқ чегарасини белгилашга имкон яратган;

акциядорлик жамиятлари устав капиталидаги чет эллик инвесторлар улушининг 15 фоиз ҳажмида бўлиши тўғрисидаги талабни бекор қилиш бўйича илмий таклиф Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 июлдаги ПҚ-3852-сонли «Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг «Бизнес юритиш» йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори билан тасдиқланган «Йўл харитаси» (30-банди)да ўз аксини топган (Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитасининг 2018 йил 18 сентябрдаги 2078/02-09-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида акциядорлик жамиятлари учун қулай инвестицион муҳит яратилишига ва қонунчиликдаги мавжуд камчиликларнинг бартараф этилишига эришилган;

хорижий инвесторлар учун Ўзбекистон Республикасининг тижорат банкларида ҳисобрақамлар очиш ва хорижий валютада сотиб олиш (сотиш)ни амалга ошириш ҳукуқи бериш бўйича илмий таклиф Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 июлдаги ПҚ-3852-сон «Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг «Бизнес юритиш» йиллик

ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини янада яхшилаш чоратadbирлари тўғрисида»ги Қарори билан тасдиқланган «Йўл харитаси» (30-банди)да ўз аксини топган (Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2018 йил 18 сентябрдаги 2078/02-09-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг нуфузли «Бизнес юритиш» ҳисоботидаги Ўзбекистон Республикасининг рейтингини янада ошириш ва фонд бозорига чет эллик инвесторларни жалб қилиш жараёнларини тезлаштиришга эришилган;

«Инвестицион лойиҳаларни баҳолаш электрон дастури» номли электрон дастурни амалиётда фойдаланиш бўйича илмий таклифи Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси томонидан амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитасининг 2018 йил 10 майдаги ШВ-03/05-3739-сонли маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида инвестицион лойиҳалар самарадорлигини баҳоловчи кўрсаткичлар – NPV, IRR, MIRR, PP, DPPни ҳисоблаш учун сарфланадиган вақтни тежаш ва инвестицион фаолият самарадорлигини ошириш имкони яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та халқаро, 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларидан бакалаврият таълим йўналишларида ўқитилаётган «Корпоратив молия», «Молиявий менежмент» каби фанлар бўйича ўқув дастурларини такомиллаштириш ва ўқитишда фойдаланилмоқда.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш, шундан 1 та монография, 2 та электрон дарслик, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та илмий мақола, жумладан 7 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда, шунингдек, илмий-амалий конференцияларда 7 та маъруза тезислари нашр қилинган, шунингдек 2 та дастурий маҳсулот бўйича патент олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, урта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатиб ўтилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ва диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги келтирилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ҳамда объекти, предмети ва усуллари белгиланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ва жорий қилиниши берилган, тадқиқот натижаларининг апробацияси, эълон қилинганлиги, тузилиши ва ҳажми тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Давлат ва корпоратив тузилмалар ўртасидаги ўзаро молиявий муносабатларнинг назарий ва ҳуқуқий асослари**» деб номланган биринчи бобида давлат ва корпоратив тузилмалар ўртасидаги ўзаро молиявий муносабатларнинг иқтисодий моҳияти ва назарий асослари, давлат молиявий сиёсатининг корпоратив тузилмаларда капитал жалб қилишга таъсирининг назарий жиҳатлари, давлат ва корпоратив тузилмалар ўртасидаги солиқ муносабатлари ҳамда уларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда йўналишлари тадқиқ этилган.

Давлат ва корпоратив тузилмалар ўртасидаги ўзаро молиявий муносабатларни тадқиқ этишда бевосита давлат молияси ва корпоратив молияга эътибор қаратилади. Шунингдек, умумий молиявий муносабатларда корпоратив молия муҳим ўрин эгаллайди. Корпоратив молиянинг иқтисодий моҳиятини тадқиқ этар эканмиз, бу хусусидаги хорижий мамлакатлар ва ўзбекистонлик олимларнинг илмий қарашлари ўзига хос хусусиятга эга. Корпоратив молия бўйича айрим олимларнинг илмий қарашлари 1-жадвалда келтирилган. Унда корпоратив молия бўйича олимларнинг таърифларини кўришимиз мумкин. Корпоратив молиянинг иқтисодий моҳиятини ёритишда Р.Брейли, С.Майерс ва Ф.Алленларлар компания бизнес қийматига, П.Верниммен, П.Куири, М.Даллучио, Я.Фур ва А.Салвилар пул маблағларининг вақт бўйича қийматига, Ю.Чеботарь молиявий ресурсларни шакллантириш, тақсимлаш ва фойдаланиш жараёнида юзага келадиган пулли муносабатларга катта эътибор қаратганлар. Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлардан С.Элмирзаев эса корпоратив молия бўйича таъриф берар экан, унда, асосан, корпоратив тузилмалар молиявий-хўжалик фаолиятини юритиш жараёнида юзага келадиган барча пулли молиявий муносабатларга ҳамда Н.Турсунова корпоратив тузилмалар фаолиятида юзага келадиган молиявий муносабатларга эътибор қаратган. Кўриниб турибдики, юқорида келтирилган иқтисодий таърифлар битта иқтисодий категорияга нисбатан берилган бўлса-да, лекин шаклан турлича мазмунга эга. Бу эса корпоратив молиянинг иқтисодий моҳиятини англашда муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. Ўз навбатида, корпоратив молия бўйича такомиллаштирилган, юқоридаги

таърифларни мазмунан ўзида мужассамлаштурувчи таърифни шакллантириш тақозо этилади.

1-жадвал

Корпоратив молия бўйича иқтисодчи олимлар илмий қарашлари

Муаллифлар	Муаллифларнинг илмий қарашлари
Америкалик иқтисодчи олимлар Р.Брейли, С.Майерс ва Ф.Аллен	Корпоратив молия – компания бизнес қийматини оширишга йўналтирилган пулли муносабатлардир, корпоратив молиянинг бош мақсади эса компания бизнес қийматини максималлаштириш ⁵ .
Франциялик иқтисодчи олимлар П.Верниммен, П.Куири, М.Даллоchio, Я.Фур, А.Салви	Корпоратив молия, бу – пул оқимлари ва бойликни кўпайтириш концепцияларига таянади, корпоратив молияда энг асосий масала пул маблағларининг вақт бўйича қийматларини аниқлаш ҳамда компания капиталини ошириш ҳисобланади ⁶ .
Россиялик иқтисодчи олим Ю.Чеботарь	Корпоратив молия (корпорация молияси) хўжалик субъектлари ва (ёки) уларнинг бирлашмалари молиявий ресурсларини шакллантириш, тақсимлаш ва фойдаланиш жараёнида юзага келадиган пулли муносабатларнинг ўзига хос хусусиятларини акс эттиради ⁷ .
Ўзбекистон иқтисодчи олимлари	
С.Элмирзаев	Корпоратив молия корпоратив тузилмалар молиявий-хўжалик фаолиятини юритиш жараёнида юзага келадиган барча пулли молиявий муносабатлар тизимини англатади. Бунда корпоратив тузилма доирасида пул фондларини шакллантириш ва тақсимлаш, улардан фойдаланиш жараёнлари корпоратив молиянинг асоси сифатида хизмат қилади ⁸ .
Н.Турсунова	Корпоратив молия эса бевосита корпоратив тузилмалар фаолиятида юзага келадиган молиявий муносабатларни камраб олади ⁹ .

Ўзбекистонда сўнгги йилларда корпоратив муносабатларни такомиллаштиришга қаратилган қатор ислохотларда белгиланган устувор вазифаларнинг иқтисодий моҳиятидан келиб чиққан ҳолда фикримизча, корпоратив молия деганда, хўжалик юритувчи субъектларнинг корпоратив шаклдаги тузилмаларни ташкил этишдан кўзланган асосий мақсадга эришиш ҳамда таъсисчилар капиталини оширишни таъминлаш учун турли пул фондларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ пулли муносабатлар йиғиндиси тушунилади.

⁵ Brealey R.A., Myers S.C., Allen F. «Principles of Corporate Finance», 11th Global Edition. 1341 p. 65th p.

⁶ Pierre Vernimmen P., Quiry P., Dallochio M., Fur Y., Salvi A. «Corporate Finance: Theory and Practice». Copyright . 2005 John Wiley & Sons Ltd, The Atrium, Southern Gate, Chichester, West Sussex PO19 8SQ, England. 1032 p., 29th page.

⁷ Чеботарь Ю.М. Корпоративные финансы и корпоративный контроль: монография /- М.: Автономная некоммерческая организация «Академия менеджмента и бизнес-администрирования», 2016. с 8.

⁸ Elmirzayev S.E. Korporativ moliya. O'quv qo'llanma. – T.: «IQTISOD-MOLIYA», 2015. 272 bet, 5-bet.

⁹ Турсунова Н.Р. Корпоратив молияни бошқаришда молиявий таъминотни самарали ташкил этиш йўллари. Монография. – Т.: «Иқтисод-Молия», 2017. – 152 б., 9-бет.

Давлат ва корпоратив тузилмалар ўртасида юзага келадиган ўзаро молиявий муносабатлар ўз ичига кенг қамровли молиявий муносабатларни олади. Тадқиқот давомида мазкур молиявий муносабатлар турларини аниқлашга эришилган. Бу қуйидаги 1-расмда келтирилган.




1-расм. Давлат ва корпоратив тузилмалар ўртасидаги ўзаро молиявий муносабатлар¹⁰

1-расмда кўриниб турибдики, давлат ва корпоратив тузилмалар ўртасидаги ўзаро молиявий муносабатлар таркибига корпоратив тузилмаларнинг давлат бюджетига солиқлар тўлаши билан боғлиқ молиявий муносабатлар, бюджетдан ташқари мақсадли фондларга мажбурий ажратмаларни тўлаш билан боғлиқ молиявий муносабатлар, давлат ва корпоратив харидларни амалга ошириш билан боғлиқ молиявий муносабатлар, стратегик аҳамиятга эга бўлган корпоратив тузилмаларни давлат бюджети ҳисобидан молиялаштириш, турли хил инвестициялар киритиш билан боғлиқ молиявий муносабатлар, корпоратив тузилмалар устав капиталида давлатнинг иштирок этиши билан боғлиқ молиявий муносабатлар, қимматли қоғозлар операцияларини ташкил этиш билан боғлиқ молиявий муносабатлар, корпоратив тузилмалар фаолиятини лицензиялаш ва тартибга солиш билан боғлиқ молиявий операциялар, корпоратив тузилмаларга айрим ҳолатларда жарима ва санкциялар қўллаш билан боғлиқ ва бошқа молиявий муносабатлар киради. Мазкур кўрсатиб ўтилган молиявий муносабатлар турларининг аниқланиши, фикримизча, мазкур соҳада келгусида давлат ва корпоратив тузилмалар доирасида олиб бориладиган тадқиқот ишлари йўналишларини такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

¹⁰ Муаллиф томонидан тайёрланди.

Давлат ва корпоратив тузилмалар ўртасидаги ўзаро молиявий муносабатларни тадқиқ этишда солиқлар ва инвестициялар билан боғлиқ молиявий муносабатларга эътибор қаратилган.

Корпоратив тузилма ва давлат ўртасидаги ўзаро молиявий муносабатлар тизимида солиқ муносабатлари бозор иқтисодиёти шароитида муҳим аҳамият касб этиши боис, солиқ муносабатлари тўғрисида алоҳида тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Давлат ва корпоратив тузилмалар ўртасидаги солиқ муносабатлари молиявий натижалар шаклланиши нуқтаи назардан қаралганда, корпоратив тузилмаларда маҳсулот (иш, хизмат) сотишдан тушумдан тортиб, то соф фойда шаклланингунча бўлган оралиқда давлат бюджети ва бюджетдан ташқари фондларга солиқлар ва мажбурий ажратмалар тўланиши билан характерланади (2-расм).



2-расм. Давлат ва корпоратив тузилмалар ўртасидаги солиқ ва мажбурий ажратмалар билан боғлиқ муносабатлар тизими¹¹

¹¹ Муаллиф томонидан тайёрланди.

Бундан ташқари, корпоратив тузилмалар давлат билан ишчи ва ходимларнинг даромадидан жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи, пенсия фондига мажбурий суғурта бадаллари, акциядорлар (таъсисчилар) учун дивиденд солиғини тўлаш билан боғлиқ муносабатларга ҳам солиқ агенти сифатида киришади. Шунингдек, Ўзбекистонда айрим йирик корпоратив тузилмалар томонидан қўшимча фойда солиғи ҳам тўланади. Ушбу солиқ белгиланган режаларга нисбатан маҳсулот нархининг ошиши ҳисобига олинган қўшимча фойдага нисбатан олинади. Демак, ушбу солиқ бўйича ҳам давлат билан молиявий муносабатлар юзага келади.

Солиқлар ва мажбурий ажратмалар билан боғлиқ муносабатлар тизимини тадқиқ этиш, уларнинг корпоратив тузилмалар молиявий ҳолатига таъсирини баҳолаш ҳамда улар бўйича тўловлар кетма-кетлигини ўрганиб чиқиш, корпоратив тузилмаларда солиқларни режалаштириш жараёнини самарали ташкил этишда имконият яратилиши аниқланган.

Диссертациянинг **«Давлат ва корпоратив тузилмалар ўртасидаги ўзаро молиявий муносабатларнинг амалдаги ҳолати таҳлили»** деб номланган иккинчи бобида давлат ва акциядорлик жамиятлари ўртасидаги ўзаро инвестиция муносабатлари, акциядорлик жамиятлари устав капиталида давлат иштироки ҳолати, корпоратив тузилмалар томонидан тўланаётган солиқларнинг давлат бюджети даромадларида тутган ўрни тадқиқ этилган ва илмий хулосалар ишлаб чиқилган.

Давлат ва корпоратив тузилмалар ҳамкорлигида ўзаро инвестицион муносабатларни самарали ташкил этишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги «Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4720-сонли ва 2018 йил 1 августдаги «Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5495-сонли Фармонлари ҳамда 2015 йил 21 декабрдаги «Акциядорлик жамиятларига хорижий инвесторларни жалб қилиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-2454-сонли ва 2018 йил 13 июлдаги «Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг «Бизнес юритиш» йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3852-сонли Қарорлари муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Давлат ва акциядорлик жамиятлари ҳамкорлигидаги инвестицион муносабатларда улуш муносабатлари муҳим ўрин эгаллайди. Ўзбекистонда сўнгги йилларда акциядорлик жамиятлари устав капиталида давлат ва хусусий инвесторларнинг иштироки даражаси аниқланди (2-жадвал).

2-жадвал

Ўзбекистонда акциядорлик жамиятларининг ўзгариш динамикаси¹²
(сонда)

Йиллар	Акциядорлик жамиятларида асосий таъсисчилар				Жами АЖлар
	Давлат	Давлат ва хўжалик бошқарув органлари	Хўжалик бошқарув органлари	Хусусий инвесторлар	
2008	364	101	398	963	1 826
2009	337	98	391	793	1 619
2010	303	141	325	633	1 402
2011	275	152	312	570	1 309
2012	257	169	289	561	1 276
2013	276	148	308	500	1 232
2014	253	142	303	392	1 090
2015	186	55	239	237	717
2016	115	43	376	126	660
2017	113	49	281	167	610

2-жадвал маълумотларига кўра, устав капиталида асосий таъсисчилар ким бўлишидан қатъи назар барча акциядорлик жамиятлари сони 2008-2017 йилларда мос равишда камайиб кетганлигини алоҳида таъкидлашимиз мумкин. Бундан ташқари, Ўзбекистондаги асосий акциядорлик жамиятлари устав капиталида давлат ёки хўжалик бошқарув органларининг улуши мавжуд экан. Устав капитали тўлиқ хусусий инвесторлар томонидан ташкил этилган акциядорлик жамиятлари сони жуда кам миқдорни ташкил этган. Масалан, 2017 йилда 610 та акциядорлик жамиятининг 167 таси тўлиқ хусусий инвестициялар асосида фаолият юритган. Қолган 443 та акциядорлик жамиятида давлат ёки хўжалик бошқарув органлари иштироки мавжуд. Бу, ўз навбатида, давлат ва акциядорлик жамиятлари ўртасидаги инвестиция муносабатлари юқори эканлигини кўрсатади.

Нечта акциядорлик жамиятлари устав капиталида давлат иштироки мавжудлиги аниқланишининг ўзи тўлиқ илмий хулоса чиқаришга асос бўлаолмайди. Бу эса, ўз навбатида, мазкур акциядорлик жамиятларида давлат ва хусусий инвесторларнинг улуши қанча эканлигини аниқлашни ҳам тақозо этади. Шундан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистондаги акциядорлик жамиятлари устав капиталида давлат ва хусусий инвесторлар улушининг 2017 йил бошидаги ҳолати аниқланди (3-жадвал).

¹² Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

**Давлат ва хўжалик бошқарув органлари иштирокидаги
акциядорлик жамиятлари
(05.01.2017 ҳолатига)¹³**

№	Кўрсаткичлар	АЖлар сони	АЖларнинг умумий устав капитали (млрд. сўм)	АЖлар устав капиталида давлат иштироки (млрд. сўм)	АЖларда ўртача устав капитали миқдори
А	В	С	Д	Е	F=D/C
1	АЖлар устав капиталида давлат иштироки	115	22658,58	20959,54	197,0
2	АЖлар устав капиталида давлат ва хўжалик бошқарув органлари иштироки	43	1909,38	870,93	44,4
3	АЖлар устав капиталида хўжалик бошқарув органлари иштироки	376	4677,06	-	12,4
4	Хусусий АЖлар	125	1218,87	-	9,8
АЖлар сони ЖАМИ		659	30463,9	21830,47	46,2

3-жадвал маълумотларига кўра, 2017 йил 5 январь ҳолатига кўра Ўзбекистонда фаолият юритаётган 659 та акциядорлик жамиятидан 158 тасида давлат иштироки мавжуд бўлиб, шундан 43 та акциядорлик жамиятида давлат билан бир қаторда, хўжалик бошқарув органларининг ҳам иштироки мавжуд. Давлат иштироки мавжуд бўлмаган 501 та акциядорлик жамиятининг 376 таси устав капиталида хўжалик бошқарув органларининг турли даражадаги иштироки мавжуддир. Устав капиталида хўжалик бошқарув органлари эмас, фақат давлат иштироки мавжуд бўлган 115 та акциядорлик жамияти устав капиталининг ўртача миқдори 197,0 млрд. сўмни ташкил этади. Ҳам давлат, ҳам хўжалик бошқарув органлари иштирокидаги 43 та акциядорлик жамияти устав капиталининг ўртача миқдори эса 44,4 млрд. сўмни ташкил этади. Устав капиталида давлат иштироки мавжуд бўлмаган, лекин хўжалик бошқарув органларининг иштироки мавжуд 376 та акциядорлик жамиятида ўртача устав капитали миқдори эса 12,4 млрд. сўмни ташкил этади. Қолган 125 та хусусий акциядорлик жамиятида ўртача устав капитали миқдори 9,8 млрд. сўмни ташкил этади.

Ўзбекистонда фаолият юритаётган акциядорлик жамиятларини уларнинг устав капиталида давлатнинг иштирокига қараб, икки гуруҳга ажратиш мумкин, яъни давлат иштирокидаги акциядорлик жамиятлари ва давлат иштироки мавжуд бўлмаган акциядорлик жамиятлари.

¹³ www.openinfo.uz – (Корпоратив ахборот ягона портали расмий веб сайти) ва www.deponet.uz (Марказий депозитария расмий веб сайти) маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди

**Давлат иштирокидаги ва давлат иштироки мавжуд бўлмаган
акциядорлик жамиятларида умумий устав капитали
(05.01.2017 ҳолатига)¹⁴**

№	Кўрсаткичлар	АЖ лари сони	АЖларининг умумий УК (млрд. сўм)	АЖларининг умумий УКда давлат иштироки (млрд. сўм)	АЖларининг УКда ўртача давлат улуши (%да)
1	Давлат иштирокидаги АЖлари	158	24567,95	21830,47	88,86%
2	Давлат иштироки мавжуд бўлмаган АЖлари	501	5895,55	-	-
3	Давлат иштирокидаги АЖларида ўртача УК миқдори	x	155,5	138,2	88,86%
4	Давлат иштироки мавжуд бўлмаган АЖларида ўртача УК миқдори	x	11,8	-	-
ЖАМИ		659	30463,50	21830,47	71,66%

2017 йил бошида Ўзбекистонда 659 та акциядорлик жамияти фаолият юритган. Улардан 158 тасининг устав капиталида турли даражада давлатнинг иштироки мавжуд. Қолган 501 та акциядорлик жамияти устав капиталида давлатнинг иштироки мавжуд эмас. 659 та акциядорлик жамиятидаги умумий устав капитали 30463,50 млрд. сўмни ташкил этади. Шундан давлат иштироки мавжуд бўлган 158 та акциядорлик жамияти умумий устав капитали 24567,95 млрд. сўмни ташкил этиб, ушбу устав капиталининг 21830,47 млрд. сўм миқдордаги қисми давлат улушига тўғри келади.

Устав капиталида давлат иштироки мавжуд бўлмаган 501 та акциядорлик жамиятида умумий устав капитали миқдори 5895,55 млрд. сўмни ташкил этади. Ушбу маълумотлар, ўз навбатида, давлат иштирокидаги акциядорлик жамиятлари бўйича ўртача устав капитали миқдори 155,5 млрд. сўмни, давлат иштироки мавжуд бўлмаган акциядорлик жамиятлари бўйича эса ўртача устав капитали миқдори 11,8 млрд. сўмни ташкил этишини кўрсатади. Бу давлат иштирокидаги акциядорлик жамиятларидаги ўртача устав капитали миқдори давлат иштироки мавжуд бўлмаган акциядорлик жамиятларидаги ўртача устав капитали миқдorigа қараганда 13 (155,5/11,8) баробардан ортиқ эканлигини кўрсатади. Давлат иштирокидаги акциядорлик жамиятлари устав капиталида давлат улуши ўртача 88,86%ни ташкил этади. Ушбу миқдор бугунги кунда Ўзбекистондаги жами акциядорлик капиталига нисбатан 71,66%ни ташкил этади.

Ўзбекистонда сўнгги йилларда хусусийлаштириш жараёнига алоҳида эътибор берилаётганлигига қарамай, акциядорлик жамиятларида давлат

¹⁴ www.openinfo.uz – (Корпоратив ахборот ягона портали расмий веб сайти) ва www.deponet.uz (Марказий депозитария расмий веб сайти) маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди

иштироки даражаси ҳанузгача юқори даражада қолаётганлигини кўриш мумкин. Шундан келиб чиққан ҳолда бугунги кунда иқтисодий ислохотларда хусусийлаштириш жараёнларига янада кенгроқ эътибор қаратиш лозим.

5-жадвалда Ўзбекистонда давлат иштироки мавжуд бўлган акциядорлик жамиятларининг устав капиталида давлат улушининг миқдори ҳар 25% оралиғига эга бўлган акциядорлик жамиятлари сони, уларда умумий устав капитали миқдори ҳамда улар бўйича давлат улушининг ўртача миқдори келтирилган.

5-жадвал


Давлат иштироки турлича бўлган акциядорлик жамиятлари ва улардаги умумий устав капитали (05.01.2017 ҳолатига)¹⁵

№	АЖларида давлат улуши бўйича оралиқлар	АЖ лар сони	АЖларининг умумий УК (млрд. сўм)	АЖларининг умумий УКда давлат иштироки (млрд. сўм)	АЖларнинг УКда ўртача давлат улуши (%да)
А	В	С	Д	Е	G = E/D*100%
1	25% гача	19 та	719,85	104,09	14,46%
2	25% дан 50% гача	23 та	2478,37	1182,15	47,70%
3	50% дан 75% гача	68 та	1648,44	1064,05	64,55%
4	75% дан 100% гача	25 та	6008,21	5767,11	95,99%
5	100%	23 та	13713,07	13713,07	100%
ЖАМИ		158 та	24567,94	21830,47	88,86%

Давлат иштироки 25% гача бўлган акциядорлик жамиятлари сони 19 тани, давлат иштироки устав капиталида 25-50% оралиғида бўлган акциядорлик жамиятлари сони 23 тани ташкил этади. 68 та акциядорлик жамиятининг устав капиталида давлат иштироки 50-75% оралиғида бўлиб, ушбу акциядорлик жамиятларининг умумий устав капиталида давлат улуши ўртача 64,55%ни ташкил этади. Давлат иштироки устав капиталида 75-100% оралиғида бўлган акциядорлик жамиятлари сони 25 тани ташкил этиб, ушбу акциядорлик жамиятлари устав капиталида ўртача давлат улуши 95,99%ни ташкил этади. Шунингдек, Ўзбекистондаги 23 та акциядорлик жамиятида давлат иштироки 100% ни ташкил этади. Шундай қилиб Ўзбекистонда давлат улуши мавжуд бўлган 158 та акциядорлик жамияти умумий устав капиталида давлат улуши 88,86%ни ташкил этмоқда.

Акциядорлик жамиятлари устав капиталида давлат иштироки даражасининг акциядорлик жамиятлари хусусий капитали рентабеллигига таъсирини аниқлаш мақсадида давлат улуши турлича бўлган 30 та акциядорлик жамияти тасодикий усулда танлаб олинди. Ушбу акциядорлик жамиятлари устав капиталида давлат улуш ўзгаришининг хусусий капитал рентабеллиги ўзгаришига корреляцион ва регрессион боғлиқлик даражаси ўрганиб чиқилди (3-расм).

¹⁵ www.openinfo.uz – (Корпоратив ахборот ягона портали расмий веб сайти) ва www.deponet.uz (Марказий депозитария расмий веб сайти) маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди



3-расм. Акциядорлик жамиятлари устав капиталида давлат улуши ўзгаришининг хусусий капитал рентабеллиги ўзгаришига регрессион боғлиқлиги¹⁶

